

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AXBOROTNOMASI



ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент



Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе

редакционно-издательского отдела Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации

Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013года

реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии

с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе редакционно-издательского отдела ТМА.

100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА №2, 2025

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноятова

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

проф. Жае Вук Чои (Корея)

акад. Каримов Ш.И.

проф. Силина Т. (Украина)

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Зуева Л. (Россия)

проф. Метин Онерчи (Турция)

проф. Ми Юн (Корея)

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

доц. Рахматуллин А.Р.

проф. Саломова Ф.И.

проф. Трескач С. (Германия)

проф. Шайхова Г.И.

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Дмн. Абдуллаева Р.М.

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Хамдамов Б.З. (Бухара)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Маматкулов Б.М. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

| | | |
|--|--|-----|
| <i>Рахимов Н.М., Шаханова Ш.Ш., Туланов Б.Т. ОМЕГА-3 ПРИ КОМБИНИРОВАННОМ ЛЕЧЕНИИ СИНДРОМА АНОРЕКСИИ ДИССЕМИНРОВАННОГО РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ</i> | <i>Rahimov N.M., Shaxanova Sh.Sh., Tulanov B.T. OMEGA-3 SUPPLEMENTATION IN COMBINATION THERAPY FOR ANOREXIA SYNDROME IN METASTATIC BREAST CANCER</i> | 130 |
| <i>Саидов С.Р., Уринов М.Б. УМУРТҚА АРТЕРИЯСИ СИНДРОМИДА ФИЗИОТЕРАПИЯ МУОЛАЖАСИНИНГ ТАЪСИРИ</i> | <i>Saidov S.R., Urinov M.B. EFFECTS OF PHYSIOTHERAPY TREATMENT FOR SPINAL ARTERY SYNDROME</i> | 134 |
| <i>Саматова Л.Д., Саидов А.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОН ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ДОНОРЛИКЛАРИ ВА ДОНОРЛАР ТАРКИБИНИНГ ЎЗГАРИШЛАРИ</i> | <i>Samatova L.D., Saidov A.B. CHANGES IN THE STRUCTURE OF DONORS AND DONATIONS OF BLOOD AND ITS COMPONENTS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN</i> | 139 |
| <i>Сувонов У.Х., Хужаназаров И.Э., Гафуров С.К., Сувонов У.Б., Ураков Ш.З. ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ЛЕЧЕНИЯ ЗАСТАРЕЛЫХ ПОВРЕЖДЕНИЙ МЯГКИХ ТКАНЕЙ ПЕРЕДНЕЙ ПОВЕРХНОСТИ ПРЕДПЛЕЧЬЯ</i> | <i>Suvonov U.Kh., Khuzhanazarov I.E., Gafurov S.K., Suvonov U.B., Urakov Sh.Z. EVALUATION OF THE EFFECTIVENESS OF TREATMENT OF OLD INJURIES OF SOFT TISSUE OF THE ANTERIOR SURFACE OF THE FOREARM</i> | 146 |
| <i>Ташпулатова Ш.А., Осипова С.О., Тойчиев А.Х., Белоцерковец В.Г. ОЦЕНКА ВОЗДЕЙСТВИЯ ГЕЛЬМИНТОВ И ПАТОГЕННЫХ ПРОСТЕЙШИХ НА ЦИТОКИНОВЫЙ СТАТУС БОЛЬНЫХ ТУБЕРКУЛЕЗОМ ЛЕГКИХ</i> | <i>Tashpulatova Sh.A., Osipova S.O., Toychiev A.X., Belotserkovets V.G. EVALUATION OF THE IMPACT OF HELMINTHS AND PATHOGENIC PROTOZOA ON THE CYTOKINE STATUS OF PULMONARY TUBERCULOSIS PATIENTS</i> | 150 |
| <i>Тешаев О.Р., Муродов А.С., Мавланев А. МОДИФИКАЦИЯ ЛАНГАН ЛАПАРОСКОПИК ОШҚОЗОН БЎЙЛАМА РЕЗЕКЦИЯСИ ОПЕРАЦИЯСИНИ ЖАРРОҲЛИКДАН КЕЙИНГИ ЭРТА АСОРАТЛАРГА ВА СЕМИЗЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАМРОҲ КАСАЛЛИКЛАРГА САМАРАЛИ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ</i> | <i>Teshaev O.R., Murodov A.S., Mavlanev A. EVALUATION OF THE EFFECT OF MODIFIED LAPAROSCOPIC LONGITUDINAL GASTRECTOMY ON EARLY POSTOPERATIVE COMPLICATIONS AND COMORBIDITIES ASSOCIATED WITH OBESITY</i> | 156 |
| <i>Тураева Г.Н., Абдусаттарова Г.Ш., Турсунов С.А. КЛИНИКО-НЕВРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ВЕГЕТАТИВНЫХ НАРУШЕНИЙ У ПОДРОСТКОВ С ВЕГЕТАТИВНЫМИ ПАРОКСИЗМАЛЬНЫМИ РАССТРОЙСТВАМИ</i> | <i>To'rayeva G.N., Abdusattarova G.Sh., Tursunov S.A. CHARACTERISTICS OF CLINICAL AND NEUROLOGICAL FEATURES OF AUTONOMIC DISORDERS IN ADOLESCENT CHILDREN WITH AUTONOMIC PAROXYSMAL DISORDERS</i> | 164 |
| <i>Уринов М.Б., Дагаева Д.Б. ПЕРВИЧНАЯ МЕДИЦИНСКАЯ ПОМОЩЬ ПАЦИЕНТАМ С ХРОНИЧЕСКОЙ БОЛЬЮ В ПОЯСНИЦЕ В КАЧЕСТВЕ ДОПОЛНЕНИЯ К МЕДИЦИНСКОЙ ДИАГНОСТИКЕ</i> | <i>Urinov M.B., Dagaeva D.B. PRIMARY CARE FOR CHRONIC LOW BACK PAIN AS AN ADJUNCT TO MEDICAL DIAGNOSIS</i> | 168 |
| <i>Урунбаева Д.А., Нажмутдинова Д.К. ВЛИЯНИЕ НЕДОСТАТОЧНОСТИ ХОЛЕКАЛЬЦИФЕРОЛА НА ТЕЧЕНИЕ АУТОИММУННОГО ТИРЕОИДИТА</i> | <i>Urunbaeva D.A., Nazhmutdinova D.K. ROLE OF CHOLECALCIFEROL DEFICIENCY ON THE COURSE OF AUTOIMMUNE THYROIDITIS</i> | 172 |
| <i>Файзиев О.Я., Хайдаров К.И., Мадумаров А.А., Маматкулов Т.А. ПРИМЕНЕНИЕ УЛЬТРАЗВУКОВОГО МОНИТОРИНГА ПОСЛЕ КАРДИОХИРУРГИЧЕСКИХ ОПЕРАЦИЙ ДЛЯ ОЦЕНКИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ ГЕМОДИНАМИКИ У ДЕТЕЙ</i> | <i>Fayziev O.Ya., Khaidarov K.I., Madumarov A.A., Mamatkulov T.A. THE USE OF ULTRASOUND MONITORING AFTER CARDIAC SURGERY TO ASSESS CENTRAL HEMODYNAMICS IN CHILDREN</i> | 177 |
| <i>Xakimov A.A., Djurabaeva M.X., Anvarova Y.V., Babamatova X.U. THE EFFECTS OF PULMONARY TUBERCULOSIS ON CARDIOVASCULAR HEALTH AND DISEASE PROGRESSION IN PATIENTS</i> | <i>Xakimov A.A., Jurabaeva M. X., Anvarova Y.V., Babamatova X.U. O'PKA TUBERKULOZINING YURAK-QON TOMIR TIZIMI HOLATIGA VA BEMORLARDA KASALLIKNING RIVOJLANISHIGA TA'SIRINI O'RGANISH</i> | 183 |
| <i>Хикматуллаева М.Р., Юлдашев С.К. ИСТМОЦЕЛЕ: КАК ПРЕДОТВРАТИТЬ ОСЛОЖНЕНИЯ ПОСЛЕ КЕСАРЕВА СЕЧЕНИЯ</i> | <i>Khikmatullaeva M.R., Yuldashev S.K. ISTHMOCELE: HOW TO PREVENT COMPLICATIONS AFTER CESAREAN SECTION</i> | 186 |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОН ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ДОНОРЛИКЛАРИ ВА ДОНОРЛАР ТАРКИБИНИНГ ЎЗГАРИШЛАРИ

Саматова Л.Д., Саидов А.Б.

ИЗМЕНЕНИЕ СТРУКТУРЫ ДОНОРОВ И ДОНАЦИЙ КРОВИ И ЕЕ КОМПОНЕНТОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Саматова Л.Д., Саидов А.Б.

CHANGES IN THE STRUCTURE OF DONORS AND DONATIONS OF BLOOD AND ITS COMPONENTS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Samatova L.D., Saidov A.B.

Тошкент тиббиёт академияси

Цель: анализ изменения структуры доноров и донаций крови и ее компонентов в Республике Узбекистан.

Материал и методы: ретроспективно проанализированы доноры, добровольно сдававшие кровь в Республиканском центре переливания крови Министерства здравоохранения Республики Узбекистан в 2021-2023 гг. **Результаты:** в Республике Узбекистан за последние 3 года число доноров увеличилось на 20,4%, в том числе первичных доноров – на 23%, повторных – на 27,7%. В РЦПК число доноров крови за 2021-2023 годы возросло на 10,9%, из них первичных доноров – на 13,7%, повторных – на 8,7%. Преобладающим мотивом для узбекистанских доноров становится альтруистическая помощь больному человеку: так, количество платных донаций в 2021-2023 гг. сократилось на 26,5%, а количество безвозмездных донаций выросло на 23,4%. Таким образом, основой донорства в нашей стране являются безвозмездные донация. **Выводы:** изучение показателей донорства и поступления компонентов крови позволило выявить тенденции изменения клинической медицинской потребности в услугах по переливанию крови и разработать национальные и региональные целевые программы с учетом потребности населения в переливании крови.

Ключевые слова: донорская кровь, компоненты крови, первичный донор, повторный донор, безвозмездное донорство.

Objective: Analysis of changes in the structure of donors and donations of blood and its components in the Republic of Uzbekistan. **Materials and methods:** Donors who voluntarily donated blood at the Republican Blood Transfusion Center of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan in 2021-2023 were retrospectively analyzed. **Results:** Over the past 3 years, the number of donors in the Republic of Uzbekistan has increased by 20.4%, including primary donors - by 23%, repeat donors - by 27.7%. At the Republican Blood Transfusion Center, the number of blood donors in 2021-2023 increased by 10.9%, of which primary donors - by 13.7%, repeat donors - by 8.7%. The predominant motive for Uzbek donors is altruistic assistance to a sick person: thus, the number of paid donations in 2021-2023 decreased by 26.5%, and the number of gratuitous donations increased by 23.4%. Thus, the basis of donation in our country is gratuitous donation. **Conclusion:** The study of donation indicators and the receipt of blood components allowed us to identify trends in the change in clinical medical need for blood transfusion services and to develop national and regional target programs taking into account the population's need for blood transfusion.

Key words: Donor blood, blood components, primary donor, repeat donor, unpaid donation.

Қон хизмати - соғлиқни сақлашнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, тинчлик даврида ва фавқулотда вазиятларда ноёб миллий ресурс-донор қонидан фойдаланган ҳолда юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятини таъминлайди [8, 9]. Қон хизмати донор қон компонентларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, сифатини назорат қилиш ва тақсимланишини ўрганувчи ва амалиётга татбиқ этувчи трансфузион тиббиёт соҳасидир. Қон қуйишнинг хавфсизлиги ва самарадорлиги замонавий тиббиётнинг асоси бўлиб қолмоқда, бу соғлиқни сақлаш соҳаси мутахасислари, тадқиқотчилар ва бошқаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўз қонларини сахийлик билан топширган фидойи шахсларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларидан далолат беради [23]. Қон хизматининг асосий вазифалари донорликни ташвиқот ва тарғибот қилиш, қон ва унинг

компонентларини тайёрлашни ташкиллаштириш, консервлаш, қайта ишлаш ва сақлаш усулларини такомиллаштириш, қон хизматининг ташкилий масалаларини ҳал этишдан иборат [10, 24]. Қон хизматининг мақсади трансфузион терапия сифатини таъминлашдир. Муассаса ушбу мақсадга эришиш учун қон хизмати мутахасислари, яъни қон ва унинг таркибий қисмларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш билан шуғулланувчи тиббиёт ходимлари ва жамоат ташкилотлари ва аллоген гемотрансфузия учун муқобил технологияларни клиник қўлловчи мутахасисларга ажратилган, ҳамда улар ўзаро ҳамкорликда ишлашади [3, 11].

Ўзбекистонда қон хизмати иши қонунлар ёрдамида тартибга солинади: 1998 йил 10 ноябрдаги 2107-рақамли ПҚ «Донор қони ва унинг компонентлари тўғрисида», бу қонуннинг 3-моддасида қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, 7-моддасида донор қони

ва унинг таркибий қисмларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш, 10-моддасида эса донор қони ва унинг таркибий қисмларини йиғиш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш ва қонуности ҳужжатлари. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 27 ноябрдаги 324-сон қарори билан тасдиқланган қон хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 13-моддасида қон хизмати ваколатлари келтирилган.

Донорлик - бу терапевтик мақсадларда фойдаланиш учун қон ва унинг таркибий қисмларини ихтиёрий беришнинг эркин ифодаланган ҳаракати. Донорликда иштирок этишнинг муҳим шартини донор соғлигининг маълум тиббий мезонларига мувофиқлигидир. Донор қони ва унинг таркибий қисмлари муаммоси давлат учун муҳим ҳисобланиб, мамлакатда соғлиқни сақлашнинг калитидир. Тинчлик даврида ва фавкулотда вазиятларда юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва имконияти минтақавий даражада донорлик масалаларини самарали ҳал этишга боғлиқ [16, 21]. Жамиятнинг хайрияга ижобий муносабати ва аҳолининг фаол иштироки давлатнинг хавфсизлик ва ижтимоий-сиёсий соҳасидаги мақсадларига – соғлом авлодни, жисмоний ва маънавий бақувват жамиятни шакллантиришга мос келади [4, 15, 20]. Ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг, биринчи навбатда, онкология, гематология, кардиохирургия, травматология, акушерство ва бошқа ихтисосликлар бўйича такомиллаштирилиши тиббий муассасаларнинг қон таркибий қисмларига бўлган эҳтиёжининг орттишига сабаб бўлмоқда, уларнинг эса ягона манбаи донорлар ҳисобланади [6, 7, 12]. Шунинг учун донорлар соғлом турмуш тарзига риоя қилишлари, зарарли одатлардан воз кечишлари ва ўз соғлиқлари ҳақида қайғуришлари керак [17].

Шундай қилиб донорлар муҳим шахслар бўлиб, уларнинг иштирокисиз беморга керакли қон таркибий қисмларини тайёрлаш ва етказиб бериш мумкин эмас [5, 13, 14, 18, 19, 22].

Тадқиқот мақсади

Ўзбекистон Республикасида қон ва унинг таркибий қисмлари донорликлари ва донорлар таркибининг ўзгаришларини таҳлил қилиш.

Материал ва усуллар

Ушбу тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги (ЎЗР ССВ) Республика қон қуйиш марказида (РҚҚМ) 2021 йилдан 2023 йилгача ихтиёрий қон топширган донорларнинг ретроспектив таҳлили ўтказилди. Маълумотларнинг статистик ишланмаси учун Microsoft Excel -2016 программаси ҳамда Windows-Vista операцион системасидан фойдаланилди. Маълумотларни вариацион қиймати ўртача арифметик қиймат (М), ўртача стандарт силжиш (σ), стандарт ўртача хатолик (m) қийматлари % ларда баҳоланди. Таққосланаётган ўртача қийматлардаги фарқларнинг аҳамияти Стъюдент мезони (t) ёрдамида баҳоланди. Натижалардаги фарқ $p < 0.05$ да статистик жиҳатдан аҳамият-ли деб топилди. Жадваллар билан боғлиқ таҳлиллар (Пирсоннинг хи-квадрат критерияси) ва Корреляцион таҳлил (Спирмен коэффиценти корреляцияси) билан ифодаланди.

Натижалар ва муҳокама

Ўзбекистон Республикасида (ЎЗР) да охириги 3 йил давомида донорлар сони 20,4% га ошди, бунда бирламчи донорлар сони 23% га, такрорий донорлар сони 27,7% га ошди ($\chi^2=175,3$; $p < 0,01$) (1-жадвал). Республика қон қуйиш марказида (РҚМ) эса 2021-2023 йилларда қон донорлари сони 10,9% га ошган. Шунга қарамасдан жарроҳлик ва даволаш муассасалари ва гематологик муассасаларнинг қон ва унинг таркибий қисмларига талаби ошган, шу сабабли донорлар сонини ошириш муҳимдир (1-расм). Шу билан бирга бирламчи донорлар сони 13,7% га, такрорий донорлар сони эса 8,7% га ошди ($\chi^2=175,3$; $p < 0,01$) (2-жадвал). Ривожланган Европа мамлакатларида такрорий донорлар – 90% ни ташкил этади. Такрорий донорлар тажрибали бўлиши билан бирга, қон хизмати захирасини ташкил қилади ва агар керак бўлса, уларни жалб қилиш мумкин. Барқарор донор контингентини шакллантириш учун бирламчи донорларнинг доимий оқимини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга [1].

1-жадвал

ЎЗР да донорлар ва донорликлар частотасини мос равишда тақсимлаш

| Худуд | 2021й | | 2022й | | 2023й | | Жами | | | | | | | |
|---------------|----------|------|----------|------|----------|------|--------|------|----------|------|--------|------|--------|-----|
| | Бирламчи | | Такрорий | | Бирламчи | | | | Такрорий | | | | | |
| | абс | % | абс | % | абс | % | абс | % | абс | % | | | | |
| Тошкент шаҳри | 8 800 | 12,1 | 12 813 | 17,6 | 10 715 | 14,8 | 13 315 | 18,3 | 11 531 | 15,9 | 15 468 | 21,3 | 72 642 | 100 |
| Тошкент вил | 1 692 | 11,6 | 1 975 | 13,5 | 1 877 | 12,8 | 2 877 | 19,8 | 2 299 | 15,7 | 3 893 | 26,6 | 14 613 | 100 |
| Фарғона | 8 248 | 13,5 | 9 987 | 16,4 | 9 752 | 16 | 9 974 | 16,4 | 9 506 | 15,6 | 13 517 | 22,1 | 60 984 | 100 |

| | | | | | | | | | | | | | | |
|---------------------|--------|------|---------|------|--------|------|---------|------|---------|------|---------|------|---------|-----|
| Андижон | 6 189 | 13,4 | 6 965 | 15,1 | 7 329 | 16 | 7 987 | 17,3 | 7 907 | 17,1 | 9 736 | 21,1 | 46 113 | 100 |
| Наманган | 4 295 | 12,7 | 5 891 | 17,3 | 5 509 | 16,2 | 5 984 | 17,6 | 4 460 | 13,1 | 7 845 | 23,1 | 33 984 | 100 |
| Сирдарё | 2 511 | 10,8 | 3 856 | 16,6 | 2 921 | 12,6 | 4 566 | 19,7 | 4 377 | 18,9 | 4 988 | 21,4 | 23 219 | 100 |
| Жиззах | 2 569 | 11,8 | 3 466 | 15,9 | 3 489 | 16,1 | 3 865 | 17,8 | 3 559 | 16,4 | 4 788 | 22 | 21 736 | 100 |
| Самарқанд | 14 951 | 14,4 | 16 943 | 16,4 | 16 251 | 15,7 | 16 951 | 16,4 | 16 808 | 16,2 | 21 641 | 20,9 | 103 545 | 100 |
| Навоий | 3 549 | 11,8 | 4 955 | 16,5 | 4 302 | 14,3 | 5 617 | 18,7 | 5 306 | 17,6 | 6 348 | 21,1 | 30 077 | 100 |
| Бухоро | 5 325 | 12,7 | 6 924 | 16,6 | 5 892 | 14,1 | 7 883 | 18,8 | 7 265 | 17,4 | 8 543 | 20,4 | 41 832 | 100 |
| Хоразм | 5 475 | 12,2 | 7 494 | 16,7 | 5 869 | 13,1 | 8 468 | 18,9 | 7 776 | 17,3 | 9 775 | 21,8 | 44 857 | 100 |
| Қашқадарё | 5 887 | 14,4 | 6 984 | 17,2 | 7 162 | 17,6 | 7 978 | 19,6 | 5 742 | 14,1 | 6 944 | 17,1 | 40 697 | 100 |
| Сурхондарё | 5 764 | 13,2 | 6 955 | 16 | 6 374 | 14,6 | 7 988 | 18,3 | 6 735 | 15,5 | 9 785 | 22,4 | 43 601 | 100 |
| Қорақалпоғистон Рес | 10 494 | 13,9 | 12 893 | 17,1 | 11 305 | 15 | 13 708 | 18,2 | 12 151 | 16,2 | 14 807 | 19,7 | 75 358 | 100 |
| Жами | 85 749 | 13,1 | 108 101 | 16,5 | 98 747 | 15,1 | 117 161 | 18 | 105 422 | 16,2 | 138 078 | 21,1 | 653 258 | 100 |

Клиникалық медицина

2-жадвал

РҚМ да донорлар ва донорликлар частотасини мос равишда тақсимлаш

| Донорлар сони | 2021й | | 2022й | | 2023й | |
|---------------|-------|------|-------|------|-------|------|
| | абс | % | абс | % | абс | % |
| Бирламчи | 15300 | 44,1 | 18503 | 50,1 | 17403 | 45,2 |
| Такрорий | 19401 | 55,9 | 18411 | 49,9 | 21090 | 54,8 |
| Жами | 34701 | 100 | 36914 | 100 | 38493 | 100 |



1-расм. РКМ да донорлар ва донорликлар частотасини мос равишда тақсимлаш

Тиббий ташкилотларда қон таркибий қисмларига бўлган эҳтиёж донорлик миқдори ва тузилишини белгилайди [Шевченко Ю.Л. ва бошқ., 2019]. Иختисослашган тиббий ёрдамни такомиллаштиришнинг дастлабки босқичи қизил қон таначаларини қуйиш ҳажмини оширишни талаб қилади, шунинг учун тўлиқ қон топширишлар сони 2021-2023 йилларда 26,7% га, эритроцитар массага бўлган талаб эса 30,5% га ошди ($\chi^2=175,3$; $p<0,01$). Шунга мувофиқ, ЎЗР да қон хизмати ривожланиш дастури бўйича аппаратли эритроцитаферез ўтказиш имконияти юзага келди. 2021-2023 йилларда бемор қони бошқаруви, коагулопатияларнинг диагностик мониторингини ишлаб чиқиш ва плазма қуйишни доривор муқобил усулларини жорий этиш муаммосиз уни харид қилишнинг қисқаришига олиб келиши мумкин. Плазмани контрактли фракциялаш жорий этилиши билан плазмага бўлган талаб ортиши мумкин [2]. Аммо плазмага бўлган талаб 30% га ошган. Онкогематологик ва кардиожарроҳлик ёрдамининг кенгайиши тромбоцитлар контцентратларини қуйиш эҳтиёжининг ортиши билан бирга келади. Шунга кўра, 2021-2023 йилларда ушбу қон ҳужайраларни

харид қилиш 2,8% га ошди ($\chi^2=175,3$; $p<0,01$). Қон ивиш омиллари билан боғлиқ муаммоларни барта- раф этишда ва гемофилияни даволашда қўлланиладиган криопреципитатни ажратиб олиш 19,5% га камайган. Оқсил камайиши билан боғлиқ касалликларда қўлланиладиган альбуминни ажратиб олиш 46,9% га камайганлиги қузатилди ($\chi^2=175,3$; $p<0,01$). Бунга сабаб альбумин фақат Тошкент шаҳри ва Андижон вилоятида қондан ажратиб олинган, бошқа вилоятларда эса у ажратиб олинмас экан.

Шундай қилиб, бутун Республика бўйича донорлардан олинган тўлиқ қон сараланиб, консервланган қон тайёрланади ва у эритроцитар масса, плазма ва альбумин кўринишида тегишли даволаш муассасаларига тарқатилади (2-расм). Шу билан бирга яна бир қатор қон таркибий қисмлари ва препаратлари олинади (3-жадвал). Тайёрланган консервланган қон ҳажми 2021-2023 йилларда 16,8% га, эритроцитар массага - 29,3% га, плазмага -27% га ошди ва альбуминга бўлган талаб эса - 9,1% га камайди. Йиллар кесимида тайёрланган ва муассасаларга тарқатилган қон таркибий қисмлари 4-жадвалда акс эттирилган.



2-расм. ЎЗР да консервланган қондан олинган маҳсулотлар, %

ЎЗР бўйича консервланган қондан олинган маҳсулотлар

| Донорлик турлари | | 2021 | 2022 | 2023 | Жами |
|--|-------------------------|----------|------------|------------|----------|
| Жами тайёрланган консервланган қон, литр | | 124581,3 | 130 872,06 | 145 472,50 | 400925,9 |
| Тайёрланган ком-понентлар | Эритроцитар масса, литр | 56016,5 | 64 113,42 | 72 561,07 | 192691 |
| | ЯМП (СЗП), литр | 51763,2 | 59 755,20 | 67 435,86 | 178954,3 |
| | АСП | 159,96 | 93,14 | 49,45 | 302,55 |
| | Тромбомасса, литр | 1415,32 | 2719,12 | 2874,55 | 7008,99 |
| | Криопреципитат, доза | 3884 | 4070 | 4 057 | 12011 |
| | Альбумин, литр | 636,35 | 668,2 | 650,99 | 1955,54 |

4-жадвал

ЎЗР бўйича консервланган қоннинг муассасаларга тақсимланиши

| Йиллар | Тайёрланган консервланган қон, литр | Даволаш-профилактика муассасалари-га қон куйиш учун тарқатилган қон | | | | | |
|--------|-------------------------------------|---|------|----------------|------|----------|------|
| | | Эритроцитлар масса, литр | | Плазмалар литр | | Альбумин | |
| | | ҳажм | % | ҳажм | % | ҳажм | % |
| 2021 | 124581,3 | 45808,6 | 36,8 | 43882 | 35,2 | 747,55 | 0,60 |
| 2022 | 130 872,06 | 50 898,63 | 38,9 | 49 488,85 | 37,8 | 812,15 | 0,62 |
| 2023 | 145 472,50 | 59 246,34 | 40,7 | 55 749,99 | 38,3 | 679,35 | 0,47 |
| Жами | 400925,86 | 155953,57 | 38,9 | 149120,84 | 37,2 | 2239,05 | 0,56 |

РҚМ да эса тўлиқ қон топширишлар сони 2021-2023 йилларда 25,4% га камайди, эритроцитар массага бўлган талаб 27,8% га ошди, $p < 0,01$). Плазмага бўлган талаб 24,2% га, тромбоцитларга бўлган талаб 81,2% га; $p < 0,01$), криопреципитатни ажратиб олиш 92,6% га; $p < 0,01$), альбуминни ажратиб олиш 4,4% га ошганлиги кузатилди; $p < 0,01$). Стафилококк

экзотоксинини нейтралловчи антистафилококкли иммуноглобулин ажратиб олиш эса 72,8% га камайган; $p < 0,01$). Резус мос келмаган ҳолатларда, яъни резус-сенсбилизация кузатилганда ҳосил бўлган антирезус антикорларга қарши антирезус иммуноглобулинни ажратиб олиш 78,9% га камайган; $p < 0,01$) (5-жадвал).

5-жадвал

РҚМ да қон ва унинг таркибий қисмлари донорларининг турлари

| Донорлик турлари | 2021й | | 2022й | | 2023й | | p |
|----------------------------------|----------|------|----------|------|----------|------|-------|
| | ҳажм | % | ҳажм | % | ҳажм | % | |
| Қон, литр | 25500,79 | 54,7 | 18237,74 | 41,5 | 19020,67 | 41,7 | <0,01 |
| Плазма | 8499,31 | 18,2 | 9735,08 | 22,2 | 10552,44 | 23,1 | <0,01 |
| Тромбоцит, литр | 1260,3 | 2,7 | 2137,3 | 4,9 | 2283,45 | 5 | <0,01 |
| Эритроцит, литр | 8927,36 | 19,1 | 10442,49 | 23,8 | 11409,9 | 25 | <0,01 |
| Криопреципитат, доза | 829 | 1,8 | 1430 | 3,3 | 1597 | 3,5 | <0,01 |
| Альбумин, литр | 408,8 | 0,9 | 370,7 | 0,8 | 426,84 | 1 | <0,01 |
| Антистафилококкли иммуноглобулин | 670 | 1,4 | 763 | 1,7 | 182 | 0,4 | <0,01 |
| Антирезус | 555 | 1,2 | 788 | 1,8 | 117 | 0,3 | <0,01 |
| Жами | 46650,56 | 100 | 43904,31 | 100 | 45589,3 | 100 | |

Ўзбек донорларининг асосий мақсади беморларга беғараз ёрдам кўрсатишдир: 2021-2023 йиллардаги пуллик донациялар сони ЎЗР да барча донорликларнинг 0,18% ини, РҚМ да эса 0,1% ини ташкил этди, яъни пуллик донорликлар 26,5% га қисқарган. Аксинча, беғараз донациялар мос равишда

99,8% ва 99,9% ни ташкил этди, яъни 23,4%га ошган ($\chi^2=5181,7$; odds коэффициентини $OR=1,75$ (ишонч оралиғи 1,72 дан 1,78 гача), $p < 0,01$) (6- ва 7-жадваллар). Жадваллардан кўриниб турибдики, юртимизда донорликнинг асосини беғараз донорликларлар ташкил қилар экан.

ЎЗР даги бегараз ва пуллик донорликлар

| Йил | Донорлар | | | | | |
|------|----------|------|--------|------|---------|------|
| | Жами | | пуллик | | бегараз | |
| | абс. | % | абс. | % | абс. | % |
| 2021 | 234938 | 30,1 | 728 | 0,31 | 234210 | 99,7 |
| 2022 | 257 054 | 32,9 | 123 | 0,05 | 256 904 | 99,9 |
| 2023 | 289 259 | 37,0 | 535 | 0,18 | 288 659 | 99,8 |
| Жами | 781251 | 100 | 1386 | 0,18 | 779773 | 99,8 |

7-жадвал

РҚМдаги бегараз ва пуллик донорликлар

| Мотивация | 2021й | | 2022й | | 2023й | |
|-----------|-------|------|-------|------|-------|------|
| | абс | % | абс | % | абс | % |
| Бегараз | 34678 | 99,9 | 36896 | 99,9 | 38468 | 99,9 |
| Пуллик | 23 | 0,1 | 18 | 0,1 | 25 | 0,1 |
| Жами | 34701 | | 36914 | 100 | 38493 | 100 |

Хулоса

Ихтисослашган тиббий ёрдамнинг ривожланиши турли хил қон таркибий қисмларига бўлган клиник эҳтиёжини белгилайди. Донорлик кўрсаткичлари ўрганиш ва қон таркибий қисмлари олиш трансфузиологик таъминотда клиник тиббиёт эҳтиёжлари тенденциясини аниқлаш ва аҳолининг трансфузиологик эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда миллий ва минтақавий мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш имконини берди.

Адабиётлар

1. Буркитбаев Ж.К., Скорикова С.В.- Развитие донорства крови в Республике Казахстан. Часть 3. Донорная кровь, плазмы и клеток // Вестник службы крови России. 2014.- №1.- С. 25-29.
2. Буркитбаев Ж.К., Абдрахманова С.А., Бибиков Ж.Ж. и др. Первый опыт получения пулированной патоген-редуцированной плазмы для переливания // Гематология. Трансфузиология. Восточная Европа.- 2020. -Т. 6, № 1. -С. 134-139.
3. Бродская А.П. Донорство. Проблемы и перспективы развития // Вестник службы крови России. – 2003. – № 4. – С. 24-32.
4. Гаврилов О.К. Очерки истории развития и применения переливания крови- Л.: Медицина. – 1968. – 180 с.
5. Голосова С. А. Направление развития донорского движения в условиях оптимизации приема доноров крови и её компонентов в Центре крови ФМБА России Внук // Актуальные вопросы развития безвозмездного донорства крови : материалы II евразийского конгресса. – Санкт-Петербург, 2016. – С. 19-20.
6. Гришина О.В. Изучение потребности в применении донорских компонентов крови при организации медицинской помощи / О. В. Гришина // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Медицина. – 2014. – № 4. – С. 110-112.
7. Дмитриева О.В. Проблемы биобезопасности донорской крови на региональном уровне // Международный научный журнал «Инновационная наука». – 2016. – № 1. – С. 160-161.
8. Жибурт Е.Б. О деятельности службы крови // Здра-

воохранение. – 2005. – № 5. – С. 25-28.

9. Жибурт Е.Б. Трансфузиология: учебник для специалистов по производственной и клинической трансфузиологии СПб : Питер, 2002. – 736 с.

10. Жибурт Е.Б. Доказательная трансфузиология. Часть 1. О правилах назначения компонентов крови // Здоровоохранение. – 2007. – № 11. – С. 31-37.

11. Жибурт Е.Б. Управление качеством в Службе крови // Здоровоохранение. – 2004. – № 8. – С. 35-40.

12. Жибурт Е.Б., Тазаева В.Н. Проблема донорских кадров: изучение и возможные пути решения // Трансфузиология. – 2005. – Т. 6, № 4. – С. 22-29.

13. Жибурт Е.Б. Медицинская и экономическая эффективность ограничительной стратегии переливания крови // Вестник Национального медико-хирургического центра им. Н. И. Пирогова. – 2015. – Т. 10, № 1. – С. 100-102.

14. Жибурт Е.Б. Эволюция донорства крови и плазмы в России // ГлавВрач. – 2015. – № 1-2. – С. 38-43.

15. Кислякова Л.П. Донорство как компонент национальной безопасности [Электронный ресурс] // Современные проблемы науки и образования.-2014.-№4.-Режимдоступа: <https://scienceeducation.ru/ru/article/view?id=14092> (дата обращения: 19.09.2017).

16. Концепция развития донорства крови и ее компонентов в Российской Федерации на период до 2010 года // Трансфузиология. – 2003. – № 1. – С. 61-67.

17. Л.Д. Саматова, А.Б. Саидов, Ш.Д. Бобонова. Частота встречаемости ТОРЧ-инфекции среди донорской популяции в Республиканском центре переливания крови // Актуальные вопросы населения и развития здравоохранения на уровне субъекта Российской научно-практической конференции (с международным участием), посв. 160-летию образования Общества Восточной Сибири (1863-2023). –Иркутск 2023. –С. 462-468.

18. Мадаев С.Р., Бибиков Ж.Ж., Жибурт Е.Б. Автоматизация процессов переработки цельной крови // Трансфузиология.- 2013.- Т.14, №3.- С. 20-25.

19. Новое в трансфузиологии (на конгрессах Международного общества переливания крови в Канкуне и Куала-Лумпуре) / Е. Б. Жибурт [и др.] // Трансфузиология. – 2014. – Т. 15, № 3. – С. 44-60.

20. Отношение доноров к своему здоровью и его значение для допуска у донора цельной крови в стационарных

и выездных условиях / М. П. Потапнев [и др.] // Вестник Службы крови России. – 2012. – № 3. – С. 5–8.

21. Распоряжение Правительства Самарской области от 30 апреля 2013 года № 258-р «Региональная программа «Развитие здравоохранения Самарской области» на 2013 – 2020 годы. – Самара, 2012. – С. 7.

22. Рациональный подход к решению вопросов организации безопасного донорства / Н. Г. Филина [и др.] // Трансфузиология. – 2012. – № 2, Т. 13. – С. 34–39.

23. Саматова Л.Д. ИФА метод в диагностике и мониторинге герпесвирусной инфекции в донорской крови// Вестник ТМА.-Ташкент.-№7, 2024.-С.138-140.

24. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 30.08.2002 йилдаги 402-П-сон. «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОН ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ДОНОРЛИКЛАРИ ВА ДОНОРЛАР ТАРКИБИНИНГ ЎЗГАРИШЛАРИ

Саматова Л.Д., Саидов А.Б.

Мақсад: Ўзбекистон Республикасида қон ва унинг таркибий қисмлари донорликлари ва донорлар таркибининг ўзгаришларини таҳлил қилиш. **Материал**

ва усуллар: тадқиқотда ЎзР ССВ РҚҚМ да 2021 йилдан 2023 йилгача ихтиёрий қон топишган донорларнинг ретроспектив таҳлили ўтказилди. **Натижалар:** Ўзбекистон Республикасида сўнгги 3 йилда донорлар сони 20,4 %, шу жумладан бирламчи донорлар сони 23 %, такрорий донорлар сони 27,7 % ўсди. РСПСДА 2021-2023 йилларда қон донорлари сони 10,9% га, шундан бирламчи донорлар – 13,7% га, такрорий донорлар – 8,7% га ошди. Ўзбекистонлик донорлар учун асосий сабаб касал одамга алтруистик ёрдамдир: масалан, 2021-2023 йилларда тўланган хайр-эҳсонлар сони 26,5% га камайди, беғараз хайр-эҳсонлар сони эса 23,4% га ошди. Шундай қилиб, мамлакатимизда хайр-эҳсоннинг асосини беғараз хайр-эҳсонлар ташкил этади. **Хулоса:** донорлик ва қон таркибий қисмларини олиш кўрсаткичларини ўрганиш қон қуйиш хизматлариغا клиник тиббий эҳтиёж тенденцияларини аниқлаш ва аҳолининг қон қуйишга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда миллий ва минтақавий мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш имконини берди.

Калит сўзлар: донор қони, қон таркибий қисмлари, бирламчи донор, такрорий донор, беғараз донорлик.